



ГУЛШАН

(АЛДАНГАН АЁЛНИНГ АЛАМИ)

11.

Гулшаннинг янги уйда биринчи танишган кўшниси Тамара бўлди. Ўшанинг кистови билан бир хафтадан кейинок квартирани "ювиб" бериб, кўшнилари билан танишиб олди. Аммо ўша кунги – Гулсум кампирникидаги жанжалдан буён Гулшан Тамара билан гаплашмай кўйди. Битта-яримта кўшнига кўринмаслик учун кундузи кўчага чиккани ҳам ботинолмай колди.

Барибир Тамарадан кочиби кутула олмади. Дам олиш куни эди, кийшанглаб кириб келди. Сирка сўраб чикканмиш, помидор тузламокчи экан. Кир бошлаб кўйган Гулшан сирка шишани узатдию, яна ишга тушиб кетди. Гулшан ўзини олиб кочгани сари, у алланималарни бахона килиб суйкалиб чикаверади.

Саккиз йил бурун эридан ажрашган. Эри хозир кайсидир заводда деректор, катта

микдорда алимент тўлайди. Шундан кейинги саргузаштлар Тамарани бутун шахарга машхур килиб юборган. Аммо хамма тергаш ўрнига негадир ундан хайикар эди. Гулшан хам уни хар гал бирорта эркакнинг пинжига сукилганича уйга кираётганини кўриб колади. Гохо бемаврид ташриф буюрган мехмоннинг кўнглини овлаш учун кўшнилардан арок сўраб юрганини эшитади...

Гулшан хозир кўли ишдаю, Тамаранинг куюк бўёк чапланган юз-кўзларига, хурпайган сочларига тез-тез назар ташлаб кўяди. Ўзи беихтиёр ёшлик йилларини ўйлайди. Хакикатан хам, бундан ўн-ўн беш йил аввал ахлоқ тамоман бошкача эди. Ё ўшанда махаллада аёллар хаёли, одобли эди, шекилли. Одамларнинг кўз ўнгида ўпишиш у ёкда турсин, хатто кўл ушлашиб юриш хам каттик одобсизлик саналарди-ку!

Янги шахарга келганидан буён бу ердаги разолат, бехаёликни кўравериб кўникди. Энди куппа-кундузи ўпишган, уйига бегона эркак етаклаб келаётган, лабига сигарета кистариб баралли сўкинаётган, энг дахшатлиси, ичиб гандираклаб юрган аёлларни кўриб, таажжубга тушмайдиган бўлиб колди. Бунакаларни тергайдиган, танбех берадиган ёши улугнинг биттаси Гулсум кампирми? Ёки мана шу Тамарами?

Бошида эркаги йўк хотиннинг харидори кўп бўлар экан ўзи. Гулшанга хам шу кунгача билинмаган эди. Хозир хам униси гап сотади, буниси тилини такиллашиб ўтади ёки маънодор кўз кисади. Бирига хўмрайиб, бирига терс жавоб кайтариб тинкаси курийди. Баъзан ярим тунда "адашиб" эшигини такиллашилади. Шунда кизини багрига босганича даг-даг титраб ўтираверади.

Гулшан эркакларга умуман ишонмай кўйди. Бебахтлигида ўзининг айби етарлилигига карамай, барибир эркаклардан нафратланади. Назарида улар ўзларининг факат рохат-фарогатлари учун, шахвоний истакларини кондириш учун аёлларни истаганча аврар, алдар, кўнглини овлар эди. Айникса, Мавлоннинг энди бошка биттасини тузokka илинтириш учун харакат килиб юрганини эшитганидан бери эркак зотини тинмай каргайди. Шунинг учун хам ваннахона эшигига суяниб, бидирлаганича акл ўргатаётган Тамаранинг гапларига кизиксиниб кулок сола бошлади:

– Мен сенга айтсам, эркакларнинг хаммаси хам бир гўр. Айтайлик, сен ёшсан, хуснинг етарли ёки тўк оиладансан – хотин килади. Эртага тўрттасини тугиб ўтин бўласан. Юзингга аввал дог, кейин ажин тушади. Ана ўшанда эр зоти дарров айнийди. Ё хотинни янгилаш пайига тушади ёки ўйнаш топади. Чунки ўзи хали ёш, ёнига пул тушган, машина,

обрў бор. Шунинг учун уларнинг додини бериш керак. Санга нимани гапиряпман, ахир ўзингнинг бошингдан ўтди-ку хаммаси. Янаям сенга койил. Уйдан хам, нештатни эрдан хам ажралиб, индамай колавердинг. Судга бермайсанми ёки бирортани тугволиб, согиб ичмайсанми?

– Менга унинг ҳеч нарсаи керакмас, – деди Гулшан хомуш.

– Э, жуда гўл, содда экансан, – яна бор овозда гапира кетди Тамара кўзларини ола-кула килиб. – Мана, меники партиядан ўчиб, ишдан хайдалиб кетардию... Судда кизишиб, ўша гўрсўхтани сўкворибман, судялар унинг тарафига ўтволишди.

– Барибир алиментни куртдаккина килиб оляпсиз-ку!

– Э, алименти ордона колсин... Тўгри, алиментим битта инженернинг ойлигига тенг, ишламай еб ётишга ярайди. Ахир, бўлажак деректорни эрликка бекорга танлабман-ми? Ўшандаёк хисобини чиқариб кўйганман-да,– шарақлаб кулди Тамара.

– Лекин Тамарахон... – Гулшан гап бошлашга бошладию, давомини айтишга истихола килиб колди. Аммо айтмасам Тамаранинг кўнглига бошка гап келмасин дея давом этди: – Шунака дейсизу, хар канча пул кизингизга ота ўрнига ўтармикин? Мана, мен кўз очиб кўрган эримни "пуф сассик" килиб, нима обрў топдим. Итнинг кейинги оёгиман, мана шу кулда ёлгизлик азобини тортиб ётибман-ку!

– Э, садкайи кўз ёши кетсин. Тешик мунчок кўчада колармиди? Буниси бўлмаса униси, деганлар. Хали шунака манаман деган эркакларни топиб берайки, ўша эрингни хам, Мавлонингни хам огзи карракдай очилиб колсин.

– Энди менга ҳеч ким керак эмас. Хаммасидан тўйдим. Ўшандаги енгилтаклигимнинг азобини хали-хали тортяпман. Шоиранинг яйнашларидан, уйкусида "дада"лаб чиқишидан юрагим эзилиб кетяпти.

– Бунга ўзинг айбдорсан, кўшни. Аллакачон кизингга бирорта пулдор йигитлардан дада опкелиб беришинг керак эди. Ўзинг зерикмайсан, кўлингга жарак-жарак пул, маишатинг жойида, кийганингга халк артисти хасаддан куйиб ўлади. Бу ахлоқ, вафо деганларингнинг бари китобий гаплар. Бозоринг ўтиб турибдими, ўйнаб-кулиб кол. Эртага шафтоликокига айлансанг, кўз очиб кўрган эринг хам сендан кочади.

– Ўзи Мавлон билан танишганимдаёк хамма якинларимдан ажраганман. Агар сизнинг айтганингизни килсам, шахардан кувиб чикаришар?

– Бе, кувиб бўпти. Хозир кайга борсанг, хотин кишининг тили узун, пичоги кескир. Агар сал кўз ёши килиб кўйсанг борми, гунох сенда бўлса хам айбни эрингга агдаришади. Эр, ёшлик, хусн вафо килармиди? Ана, Клара эрини роса кутди. Камокдан келгач уйдан хайдаб, бошқасига уйланди-кўйди. Шунинг учун эр-пер деб оёгингни ўзинг тушовлама. Бирорта келишганидан топиб берай, мазза килиб айшингни сур!

– Ох, эримни канакалигини билганингизда... Энди кўзим очилди. Агар илгарирок аклим етганида Мавлонни унинг харом тукига хам алишмасдим.

– Кўй, бунака эртагингни менга айтма. Эркакларнинг хаммаси бир гўр. Уларнинг кирдикорини мендан сўра. Канчасини кўрдим. Хаммаси ўзини ўйлайди, хаммаси тилёгламачи, алдокчи. Аввал бошингга зар сочиб, сен учун дунёнинг ярмини совуришга тайёр туради. Хаммасининг додини бераман, пулини шиламан. Биттасини хотинингни танийман, деб ўтакасини ёраман. Бошқасининг маишатини еб, эрим келиб колди, дея уйдан куваман. Ха-ха, кулма, уларда аламим зўр. Эвини килдим дегунча боплаб ўч оламан. Ер ютсин хаммасини!..

Тамара шундай деб овозининг борича каргандию, негадир ўкраб йиглаб юборди. Гулшан нима бўлганини тушунолмай, кўлининг магзавасини артиб, кад ростлади. Тамаранинг олдига келиб елкасидан кучди:

– Нима бўлди, сизга Тамарахон? Кўйинг, кайгурманг. Хали ёшсиз, хаётингиз изига тушиб кетар...

– Ха-ха, ёшман, изга хам тушар... – Тамара беихтиёр Гулшаннинг гапларини кайтарарди. Кейин яна кош-киприкларидеги бўёкларни юзига чаплаганича йигига тушиб фарёд этди.
– Качон, качон?! Энди мени ким хам хотин киларди? Кимлигимни бутун шахар билади-ку! Отнинг кашкасига айланганман-ку!...

– Буни тузатиш кўлингизда... тушкунликка тушаверманг...

Гулшаннинг гапи чала колди. Тамара яна хикиллаганича сайрай кетди:

– Энди тузатиб бўлмайди, кўшни! Барига ўзим кул тортганман. Хаммасига молпарастлигим, енгилтаклигим сабаб! Кани энди бари туш чиксаю...

Тамара шундай дедию деворга суяниб, бошини оркага ташлади. Кўзларини шифтга кадаганича: "Афсуски, булар туш эмас", деб кўйди. Гулшан кўшнисининг тўлиб-тошиб турганини сезиб, ишни тўхтатди. Тамарага курси кўйиб берди. Ўзи хам кизининг пастак курсисига ўтирди.

– Ха, сенинг йўлинг тўгри, Гулшан, – шивирлади Тамара хамон шифтдан кўзини узмай. – Хаётда бир марта адашдингми, энди бошка хатолардан ўзингни тий. Аммо жиндай иродасизлик килсанг, мендек афсус чекиб юрасан. Ахир, мен хам бошкаларга ўхшаб эримнинг ишдан келишини хохлайман. Боламини ўйнатиб, яйрашини кўришни истайман. Юрагимни унга очгим келади. Нима килайки, бахтимни ўзим йўкотдим. Ўшанда ёш, чиройли эдим. Нега бошкалардай тўкин яшамаймиз, дебман. Бир йил ўтмай латта-путтанинг жанжалини килибман, нега халигача зирак, узук обермайсиз деб гавго кўтарибман. Караб турсам, эримнинг топгани коринга аранг етади. Уйдан кийиб келганларим эскиб-тўзиди. Эримга айтсам, икки гапнинг бирида: энди институтни битирдим, сабр кил, дейди. Нукул кўйнимни пуч ёнгокка тўлдиради. Йўк, чидолмадим. Гўёки, бир умрга шундай ўтиб кетадигандайман. Кариганимда оберганини бошимга ураманми деб, хафсалам пир бўлди. Худди ўшанда Нозима хола деган кўшмачига рўпара келдим.

– Ие, у ким эди? – хайрон сўради Гулшан.

– Сен танитайсан. Канча-канча жувонларни йўлдан оздирган, нечталаб оилани бузган кампир. Ўтган йили ўлди. Ўша бир куни кўчада ушлаб гапга тутди. Ўзи хасратимни кимга очишни билмай юривдим, тилимнинг кашаги ечилиб кетди. Санга осонгина пул топишни ўргатаман, деди. Ўша куни кампирнинг уйида бир йигит билан тунаб колдим. Менга ўн беш, кампирга ўн сўм тегди. Бошим айланиб, бир ойда эрдан ажрадим, алимент кестириб олдим. Орзуга ҳам етдим. Эгнимда ҳеч ким киймаган антика кўйлақлар, жихозларга тўла уч хонали кооператив уй, такинчоклар...

Тамара гапани тугатмай жим колди. Кора суртилган ёногини кўрсаткич бармогига туфлаб артиб кўйди. Кейин сўник овозда хикоясини давом эттирди:

– Орзу килган ҳамма нарсаларимга эришдим, ўзим ўзгариб колдим. Баридан кўнглим совиб кетди. Эркак зотини кўрсам газабим кайнайди, аламим ортади. Туриб-туриб тутокаман. Хаммаси туллак. Огзидан бол томади, севганига касам ичади, сени илондай аврайди, хотинини кулга белаб, косовга санчади. Аммо эртасига корасини кўрсатмайди, думини тутказмайди. Ана ўшанда ўтирволиб, хўрлигимдан йиглайман. Бахтимдан ажраган ўша машъум кунни лаънатлайман. Ахир, озгина чидасам, жиндай сабр килсам, хозир кимсан – фалончи деректорнинг хотини бўлиб юрардим. Ха, ха, конуний хотини!..

– Кўйинг, кўшни, кўп куйинаверманг. Ўтган ишга салавот.

– Менга тасалли берма, Гулшан. Иннайкейин, телба-тескари гапларимга кулма. Ўзим ках-ках урсам ҳам ичим йиглайди. Ха, юрак адо бўлган. Такдиримдан кўп ўкинаман. Лекин, туриб-туриб кувониб кўяман. Ахир, килган ишларимдан афсус, изтироб чекапман-ку! Демак, хали инсонлигим йўколмабди. Шунака деб ўзимни овутаман. Ана шу юпанч билан яшаб турибман, кўшни! Буларни сенга нимага гапиряпман: агар иложини килолсанг, эрингнинг олдига бошингни эгиб бор, оёқларига йикил, минг бор узр сўра. Агар кечирмаса, ундан бошка бирортаси билан хакикий оила кур. Менинг кисматим бошингга тушмасин!..

Тамара гапани ҳам тугатмай, ўрнидан шартта туриб, чикиб кетди. Хатто сўраган сиркаси ҳам столда колди. Гулшан у кунги базмда Тамаранинг бежаёлиги, шаллакилигини кўриб, ўзича масхара килган эди. Хозир бирданига унга ачинди. Унинг гох кулиб, гох йиглаб айтган хаёт достони ҳамон кулоги остида жаранглайди. Ўзининг ўкилмаган китоб янглиг мавхум келажагини ўйлаб, юраги яна эзилди.

(Давоми бор...)

Ахмад МУХАММАД ТУРСУН